

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БИРЛАШИШ ВА ҚЎШИБ ОЛИШ (M&A) МАСАЛАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдувоҳидова Шаҳноза Шавкат қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларини ривожлантиришда бирлашиш ва қўшиб олиш (m&a) масалаларининг аҳамияти борасида мулоҳазалар келтирилган. Ушбу жараёни амалга ошириш босқичлар борасида хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: *акциядорлик жамиятлари, бирлашиш ва қўшиб олиш, иқтисодиёт тараққиёт.*

ABSTRACT

This article examines the importance of mergers and acquisitions (M&A) in the development of joint-stock companies. Conclusions about the stages of implementation of this process are given.

Key words: *joint-stock companies, mergers and acquisitions, economic development.*

КИРИШ

Тадбиркорликнинг муайян институтини ҳукуқий тартибга солиш механизмини ўрганиш зарурати кўпинча унинг бутун иқтисодий тизимни ривожлантиришдаги реал роли билан боғлиқ. Замонавий иқтисодиётда деярли ҳар қандай компания ўз фаолиятининг ўзгарувчан муҳитига мослашиш учун ўз бизнесини ташкил қилишда маълум ўзгаришларни амалга ошириш заруратига дуч келади. Бугунги кунда бизнесни қайта ташкил этишнинг кенг қўлланиладиган усулларида бири бу бошқа компания билан бирлашиш ёки қўшиб олишни амалга оширишдир.

Бугунги дунёда пухта ўйланган ва тўғри ташкил этилган бирлашиш компаниянинг келажакдаги фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаши, баъзан эса уни банкротлик ва тугатишдан қутқариши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сўнгги пайтларда бирлашиш ва қўшиб олишни тартибга солишни ўрганишга оид кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Ушбу соҳага энг катта

илмий ва амалий қизиқишни рус ва ғарбий европалик олимлар тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, С.В. Гомцяи, П. Гохан, Д. Депаифилис каби олимлар ушбу соҳага оид китоб ва дарсликлар ёзиб қолдирдилар¹. Бундан ташқари Т. Д. Аиткулов, Г.О. Калашников каби олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ҳам мазкур масалани аниқ ва батафсил тушунишда ёрдам беради².

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Акциядорлик жамиятларини ривожлантиришда бирлашиш ва қўшиб олиш (m&a) масалаларининг аҳамияти масаласига қаратилган ушбу мақолада қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, аналогик таҳлил, абстракциялаштириш каби илмий методлардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бирлашиш ва қўшиб олиш (ингл. Mergers and Acquisitions, M&A, M&A) — капитал ва бизнесни мустаҳкамлашда макро ва микроиқтисодий даражаларда бозордаги бир нечта кичик компаниялар ўрнида йирикларининг юзага келиши натижасида содир бўладиган иқтисодий жараёнлар ҳисобланади. Бирлашиш — бу икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиши бўлиб, натижада янги, бирлашган иқтисодий бирлик шаклланади. Бирлашишларда компания юридик шахс ва солиқ тўловчи сифатидаги ўзининг мустақиллигини тугатган ҳолда бошқа компания билан бирлашади. Янги компания ўзининг таркибий қисмидаги компаниянинг мижозлари олдидаги барча мажбуриятларини ва активларини бевосита бошқаришни ҳамда назорат қилишни ўз зиммасига олади. Қўшиб олиш — қўшиб олинадиган компания устав капиталининг 30 фоиздан ортигини эгаллаш йўли билан амалга ошириладиган ва хўжалик жамияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида тузиладиган битимдир, бунда жамиятнинг юридик мустақиллиги сақлаб қолинади.

Хусусиятига боғлиқ ҳолда компаниялар интеграцияси қуйидаги турларга ажратилади:

¹ Гомцяи С.В. Правила поглощения акционерных обществ: Сравнительно-правовой анализ: Монография. М.: Волтерс Клувер, 2010.; Гохан П. Слияния, поглощения и реструктуризация компаний: Пер. с англ. 4-е изд. М.: Альпина Паблишерз, 2010. С. 21; Депаифилис Д. Слияния, поглощения и другие способы реструктуризации компании. Процесс, инструментарий, примеры из практики, ответы на вопросы: Пер. с англ. М.: ЗАО "Олимп-Бизнес", 2007.

² Т. Д. Аиткулов. Правовое регулирование слияния и присоединения акционерных обществ по законодательству России и Германии: Автореф...Дисс. канд. юрид. наук: 12.00.03. — М, 2001. — 24 с; Г.О. Калашников Слияние и поглощение акционерных обществ по праву ЕС: Автореф... дисс.канд. юрид. наук: 12.00.03. — М, 2011

Компанияларнинг горизонталь бирлашиши. Бу айнан бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи икки компаниянинг қўшилиши эмас, бунинг натижасида фаолиятни ривожлантириш ва рақобатлашув бўйича устунликка эришилади.

Компанияларнинг вертикал бирлашиши. Бу бир қатор компанияларнинг бирлашиши бўлиб, бунда улардан бири бошқалари учун хомашё етказиб беради. Натижада маҳсулот таннархи пасайиши ва фойданинг ошишига эришилади.

Компанияларнинг параллель бирлашиши — ўзаро алоқадор бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг бирлашиши.

Бирлашиш ва қўшиб олишлар кўпгина корпорациялар томонидан ўзгарувчан бозор шароитларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш активларини оптималлаштириш ҳамда рақобатлашув афзалликларига эришиш йўли сифатида қаралади. Шунинг учун мазкур соҳа тадқиқотлари бўйича кўпгина экспертлар шуғулланишади ҳамда улар корпорациялар бирлашиш ва қўшиб олишларининг универсал лойиҳаларини тузишга ҳаракат қилишади. Мисол учун, Watson Wyatt компанияси корпорациялар бирлашишининг бешта босқичини аниқлаган: вазифаларни ташкил этиш, ҳолатни баҳолаш, тадқиқ этиш, музокаралар ўтказиш, ҳақиқий бирлашиш. Шунингдек, ушбу соҳадаги бошқа мутахассислар бирлашишнинг турли босқичларини таклиф этишган.

Ўзбекистонда бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида 2013 йил 27 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 344-сонли қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисида”ги низоми билан тартибга солинади. Ушбу Низом “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ товар ва молия бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш ва олдиндан розилик олиш тартибини белгилайди³. Олдиндан розилик Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ёки унинг ҳудудий органи томонидан:

хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга берилади.

³ С. Элмирзаев. Корпоратив молия. Тошкент: 2015. – Б. 107.

Қуйидаги ҳолларда монополияга қарши органнинг хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилиги зарур:

товар бозорида - қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўғрисида ариза бериш санасида тегишли ҳаракатларни содир этишда иштирок этаётганлар активларининг жами баланс қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёки улар қўшиб юбориладиган ёки қўшиб олинadиган йилдан олдинги охири календарь йилда товарларни сотишдан олган жами тушуми энг кам ойлик иш ҳақининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд улардан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса;

молия бозорида - қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўғрисида ариза бериш санасида тегишли ҳаракатларни содир этишда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати эквивалентдаги миқдордан ортиқ бўлса ёхуд битим қатнашчиларидан бири молия бозорида устун мавқеини эгаллаб турган бўлса.

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш қуйидаги тарзда бўлиши мумкин:

битта товар ёки молия бозорида фаолиятни амалга оширувчи икки ёки бир нечта рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларни горизонталь қўшиб юбориш, қўшиб олиш;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олишдаги ҳар бир иштирокчи учун ишлаб чиқаришнинг (ишларни, хизматларни бажаришнинг) турли босқичларида зарур бўлган товарларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ўзаро рақобатлашмайдиган икки ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектларни вертикал қўшиб юбориш, қўшиб олиш.

Бирлашмаларни ташкил этишга, қўшиб юборишга, қўшиб олишга рухсат бериш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий риоя этиш;

ҳаракатларни монополияга қарши орган қарорлари доирасида амалга ошириш;

бирлашманинг ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахснинг устун мавқеи пайдо бўлишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига йўл қўймаслик.

Бирлашмани ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш бўйича тегишли ҳаракатларни содир этишга олдиндан розилик олиш учун монополияга қарши органга: хўжалик юритувчи субъектларнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий

шакли, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар содир этишни мўлжаллаётган ҳаракатлар кўрсатилган, ҳаракатларни содир этишга олдиндан розилик бериш тўғрисида бўйича ариза. Ариза бериш санасидан олдинги икки йил мобайнида ёхуд, агар ушбу муддат икки йилдан кам вақтни ташкил қилса, фаолиятни амалга ошириш муддати мобайнида ҳар бир қатнашчи томонидан амалга оширилган фаолияти турлари, ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номлари, уларнинг ҳажмлари, амалга оширилган (ошириладиган) ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар, амалга ошириладиган ҳаракат ҳар бир қатнашчисининг молиявий ҳисоботи тақдим этилади. Ариза ва маълумотлар таъсисчиларнинг (қатнашчиларнинг) келишувига кўра бирлашма ташкил этишда, қўшиб юборишда, қўшиб олишда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлардан бирининг номидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Бунда ҳужжатларни монополияга қарши органга тақдим этиш таъсисчилардан бири томонидан ёки тегишли ваколатлар берилган бошқа ишончли шахс томонидан амалга оширилади. Ваколатли вакил ушбу бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга монополияга қарши органга ўзининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

Хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди. Монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади.

Таҳлилий маълумотларга кўра дунёда бирлашиш ва қўшиб олиш (M&A) бўйича ҳар йили ўн беш мингга яқин битим тузилади. Битимлар ҳажми ва қиймати бўйича етакчиликни АҚШ эгаллаган⁴.

Географик кўлами бўйича битимлар қуйидагиларга бўлинади:

- маҳаллий;
- минтақавий;
- миллий;
- халқаро;
- трансмиллий

Миллий алоқадорлиги бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

⁴ П. Гохан Слияния, поглощения и реструктуризация компаний: Пер. с англ. 4-е изд. М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 179 с.

- ички битимлар (битта мамлакат доирасида содир бўладиган);
- экспортга оид (бозорнинг хорижий иштирокчиларига назорат ҳуқуқини бериш);
- импортга оид (хориждаги компаниялар устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш);
- аралаш (трансмиллий корпорацияларнинг битимларида ёки бир нечта турли давлатлар активлари билан компанияларда иштирок этиш).

Компанияларнинг бирлашиш ва қўшиб олишлар жараёнининг (M&A) фаоллашуви замонавий иқтисодиётнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Корпорациялар бирлашиши туфайли юзага келадиган салоҳиятли имкониятлар интеграцион жараёнларнинг йанада жадаллашувига таъсир кўрсатади. Бирлашиш ва қўшиб олишлар кўпгина корпорациялар томонидан ўзгарувчан бозор шароитларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш активларини оптималлаштириш ҳамда рақобатлашув афзалликларига эришиш йўли сифатида қаралади. Шунинг учун мазкур соҳа тадқиқотлари бўйича кўпгина экспертлар шуғулланишади ҳамда улар корпорациялар бирлашиш ва қўшиб олишларининг универсал лойиҳаларини тузишга ҳаракат қилишади.

ХУЛОСА.

Мазкур тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари ўртасидаги бирлашиш ва қўшиб олишлар жараёни жаҳон иқтисодиёти ҳамда миллий иқтисодиётлар ривожланишига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат ўз навбатида акциядорлик жамиятларининг барқарор фаолият кўрсатишига ҳам таъсир кўрсатади. Бу ҳолат эса, молия муносабатлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда корпоратив бирлашиш ва қўшиб олиш жараёнини такомиллаштириш иқтисодиёт учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

REFERENCES

1. Вазирлар Маҳкамасининг 344-сонли қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисида” ги низоми. 2013 йил 27 декабрь.
2. С. Элмирзаев. Корпоратив молия. Тошкент: 2015. – 321 б.
3. Ж. Атаниязов, Э. Алимардонов. Халқаро молия муносабатлари. Тошкент: 2014. – 215 б.

4. С.В. Гомцян Правила поглощения акционерных обществ: Сравнительно-правовой анализ: Монография. М.: Волтерс Клувер, 2010.
5. П. Гохан Слияния, поглощения и реструктуризация компаний: Пер. с англ. 4-е изд. М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 211 с.
6. Д. Депамфилис Слияния, поглощения и другие способы реструктуризации компании. Процесс, инструментарий, примеры из практики, ответы на вопросы: Пер. с англ. М.: ЗАО "Олимп-Бизнес", 2007.
7. Т. Д. Айткулов. Правовое регулирование слияния и присоединения акционерных обществ по законодательству России и Германии: Автореф...Дисс. канд. юрид. наук: 12.00.03. – М, 2001. – 24 с;
8. Г.О. Калашников Слияние и поглощение акционерных обществ по праву ЕС: Автореф... дисс.канд. юрид. наук: 12.00.03. – М. 2011.